Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 октябрь 1971 йил, жума ◆ № 251 (15.121). ◆ Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

ШОЛИКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, янги беш йилликнинг биринчи йилида шолидан мўл ҳосил етиштирдилар, ҳосилни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олиб, давлатга шоли сотиш планини муддатидан олдин, 28 октябрда бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 129 минг тонна — ўтган йилнинг шу даврида тайёрланганидан ўн минг тонна кўп шоли етказиб берилди.

44 минг тоннадан кўпроқ шоли топширган Қорақалпоғистон АССР, 23 минг тонна шоли топириб планни 118 процент бажарган Хоразм области, 23 минг тонна шоли топириб планни 113 процент бажарган Тошкент области, 16 минг тонна шоли топириб планни 113 процент бажарган Сирдарё областининг шоликор хўжаликлари шоли тайёрлаш планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд областларининг хўжаликлари давлатга шоли сотиш планини муваффақиятли бажардилар. Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари ҳам планни бажариш арафасида турибдилар.

Гурлан, Янгиариқ, Сирдарё, Ҳазорасп, Юқори Чирчиқ, Задарё, Янгийўл, Гулистон, Поп, Балиқчи, Каттақўрғон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Ворошилов, Жарқўрғон, Фрунзе, Учқўрғон, Андижон, Избоскан, Пахтаобод, Москва, Сариосиё, Хўжаобод, Иштихон, Риштон, Пискент, Калинин, Оржоникидзе, Боёвут, Ўзбекистон, Наманган, Уйчи, Марҳамат, Бўз, Хатирчи, Денов, Самарқанд, Ленинград ва бошқа районларнинг хўжаликлари шоли тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар ва социалистик мажбуриятлар ҳисобига шоли топширмоқдалар.

Амударё этакларида ташкил қилинган ихтисослаштирилган шоликор совхозлар давлатга 38 минг тоннадан зиёдроқ шоли сотдилар.

Бу меҳнат ғалабасига КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли эришилди. Республикада шоликорликни ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ихтисослаштирилган шоликор совхозлар ташкил қилинди, колхоз ва совхозларда ана шу тармоқ ихтисослаштирилди.

Хўжаликлар илғор агротехникани қўллаб, ҳамма жойда шолидан мўл ҳосил етиштирдилар. Янгиариқ районидаги Ал-Хоразмий номли ихтисослашган совхоз, Сирдарё районидаги «Сирдарьинский» совхози, Гурлан районидаги «Комумнизм», Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда», «Северний маяк» колхозлари ҳар гектар ердан 45 — 55 центнердан шоли етиштирдилар. Юзлаб бригада ва звенолар эса ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказдилар ва ундан ҳам оширдилар.

Механизатор комбайнчилар ва шофёрлар ҳосил ўрим-йиғимида фидокорона меҳнат қилдилар.

Тайёрлаш ташкилотларининг коллективлари шолини қабул қилишни ва сақлашни яхши уюштирдилар.

Уруғ тозалаш ва жамғариш ишлари тугалланмоқда, давлатга шоли сотиш давом этмоқда.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ҳам Улуғ Октябрнинг 54 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, давлатга шоли сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашмоқдалар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш планлари ва мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун, барча кузги-қишки ишларни ҳамда чорва қишловини намунали ўтказиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар, 1972 йилда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

ОММАВИЙ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети аҳолининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида «Оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминлаш чоралари тўғрисида» кенгайтирилган қарор қабул қилдилар.

СССР Министрликлари, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1971 — 1975 йиллар учун оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 1970 йилга нисбатан 1,9 баравар кўпайтиришни кўзда тутувчи топшириқлар белгилаб берилди. Мебель ва пардоз қоғозлари, чинни — фаянс-шиша ва сирланган идишлар, ошхона асбоблари, соатлар, аравачали мотоциклар, спорт, қоғоз буюмлари, фото ва электр товарлар, мўйна, тўр парда ва момиқ — пат буюмлари, бош кийимлар, одеяллар, қалин сочиқлар, хотин-қизларнинг пардоз буюмлари ва бошқа оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Қарорга биноан СССР Министрлари, идораларининг раҳбарлари ва иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари:

ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан тўлиқ фойдаланишни ҳамда мазкур топшириқларни бажариш учун зарур бўлган янги ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтиришни таъминлашлари;

оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қисқа муддатда кўпайтиришга, уларнинг сифатини яхшилашга ва турларини янгилашга алоқадор масалаларни ҳал этиш учун министрликлар ва идораларнинг коллегиялари, аппарат ходимлари ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари масъулиятини оширишлари;

корхоналар, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотлари коллективларининг бутун диққат-эътиборини анча мукаммал конструкциядаги ва замонавий моделдаги, янги истеъмол хусусиятларига эга бўлган, шунингдек, яхши пардоз берилган ва ўралган, истеъмолчиларнинг турли дидлари ва талабларига мос келадиган ҳамда шу соҳадаги жаҳон ютуқлари даражасида бўлган янги молларни ишлаб чиқишга, тайёрлашга ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратишлари лозим.

СССР ва иттифоқдош республикаларнинг министрлари ҳамда идораларининг раҳбарлари зиммасига қарорда кўзда тутилган топшириқларнинг бажарилиши учун, савдо ташкилотларининг буюртмаларига мувофиқ юқори сифатли оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этилиши учун шахсий масъулият, СССР Савдо министри ва иттифоқдош республикаларнинг савдо министрлари зиммасига товарлар учун тақдим этилаётган буюртмаларнинг тўғрилиги учун шахсий масъулият юклатилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қайси идорага қарашли эканлигидан қатъий назар ҳар бир саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволини мунтазам равишда текшириб боришни таъминлаш ва аниқланган имкониятлардан аҳоли кўплаб талаб қилаётган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун фойдаланиш чораларини кўриш топширилди.

Қарорга мувофиқ СССР министрликларининг ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришни таъминлайдиган янги корхоналар қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш соҳасидаги 1971 — 1975 йиллардаги вазифалари тасдиқланди. Ана шу корхоналарга серунум замонавий технология машина-ускуналари, автомат линиялар, комплектлаш буюмлари ва материаллари тайёрлаш ва етказиб беришни кўпайтириш белгиланди.

Қурилиш министрликлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишини яхшилашлари ва қувватларни ишга тушириш топшириқларининг белгиланган муддатларда ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлашлари лозим. СССР Госснаби зиммасига оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи қурилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналар ҳамда цехларни машина-ускуналар, кабел маҳсулоти ва контроль-ўлчов приборлари билан таъминлаш вазифаси юкланди.

СССР Госпланига, СССР Госснабига, СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига маданий-маиший буюмлар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқаришни корхоналар ишлаб чиқариш имкониятларини ва савдо ташкилотларининг заказларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган планга мувофиқ ана шундай моллар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар ва комплектлаш буюмларини 1972 йилдан бошлаб ажратишни кўзда тутиш, пландан ташқари моддий ресурсларни аввало халқ истеъмоли моллирни қўшимча равишда ишлаб чиқаришга ва бозор фондларини кўпайтиришга ажратиб бериш топширилди.

СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, шунингдек корхоналари маданий-маиший буюмлар ва хўжалик ашёлари ишлаб чиқарадиган министрликлар билан идораларга 1972 йилдан бошлаб келгуси йилнинг ишлаб чиқариш планларини тузишгача бўлган даврда ана шу моллар сотиладиган улгуржи ярмаркалар ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Республикалараро улгуржи савдо ярмаркаларида товарлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар улгуржи савдо базалари ўртасидагина эмас, шу билан бирга ана шу базалар, йирик магазинлар билан саноат корхоналари, бирлашмалар, фирмалар ўртасида ҳам тузилиши кўзда тутилди.

СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари товарлар учун, саноатга тақдим этиладиган талабномалар ва буюртмаларнинг тўғрилиги учун ҳамда сифати ва турлари жиҳатидан савдо ташкилотлари билан саноат корхоналари ўртасида тузилган шартномаларга тўла-тўкис мос келадиган товарлар етказиб берилишини таъминлаш учун министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг масъулиятини ошириш чораларини кўришлари, айниксе янги ўзлаштирилаётган халқ истеъмоли моллирни етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш практикасини кенгайтиришлари лозим.

СССР Савдо министрлигига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1972 йилдан бошлаб корхоналар ва савдо ташкилотлари учун ахборот бюллетенлари чиқаришни ташкил этиш ҳамда шу бюллетенларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволига ва ҳар бир территорияда савдо ташкилотларининг шу молларга бўлган эҳтиёжини кондиришга алоқадор масалаларни мунтазам равишда ёритиб бориш, шунингдек аҳоли кўплаб талаб қилаётган янги молларнинг энг яхши намуналаридан ва белгиланган тартибда ишлаб чиқаришдан олиб ташланаётган моллардан хабардор қилиб туриш топширилди.

Халқ истеъмол қиладиган молларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга ёки ишлаб чиқаришда эришилган ҳажмини қисқартиришга СССР Министрликлари ва идоралари корхоналарида фақат СССР Савдо министрлиги билан келишилган тақдирда, республика министрликлари ва идоралари ҳамда маҳаллий корхоналарда маҳаллий истеъмол учун мўлжалланган молларнинг ресурслари доирасида иттифоқдош республикаларнинг савдо министрликлари ёки маҳаллий савдо бошқармаси органлари билан келишилган тақдирда йўл қўйилиши мумкинлиги қарорда таъкидлаб ўтилади. Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, КПСС ўлка ва область комитетлари, СССР министрлари ва идораларининг раҳбарлари аҳоли талаб қилиб турган молларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ёки ишлаб чиқаришни қисқартириш фактларига асло йўл қўймасликлари керак.

Маданий-маиший буюмлар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан корхоналарнинг манфаатдорлигини оширишга, шунингдек, ана шу моллар ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши учун бўлган масъулиятни кучайтиришга қаратилган чоралар кўзда тутилди. Корхоналарга аҳоли талаб қилаётган халқ истеъмоли моллирни қўшимча равишда ишлаб чиқариш юзасидан ўзлари олган мажбуриятларни йиллик ишлаб чиқариш ва фойда олиш планларига киритишга ҳамда қўшимча маблағларни белгиланган нормативларга мувофиқ иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратишга ижозат берилди.

Корхонанинг маҳсулотни реализация қилиш плани қандай бажарилганлигига халқ истеъмоли моллирни, комплектлаш буюмлари узелларини ва уларнинг деталларини тузилган шартномаларда кўзда тутилган номенклатурада етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишига қараб баҳо берилади. Саноат корхоналари ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги типовой низомга инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга тўланадиган мукофотларнинг миқдорини корхонанинг халқ истеъмоли моллирни етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни бажаришига боғлиқ қилиб қўядиган қўшимчалар киритилди. Министрликларга моддий рағбатлантириш фонди резервининг бир қисмидан, бирлашмаларга эса, ўзларида ташкил қилинадиган ана шундай фонднинг бир қисмидан нисбатан паст рентабелликка эга бўлган моллирни ишлаб чиқаришни кўпайтирган корхоналарнинг коллективларини мукофотлаш учун фойдаланишга ижозат берилди.

Моддий рағбатлантириш фондига ҳамда социал маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондига бериладиган маблағлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш маҳсулотининг асосий тури бўлмаган корхоналарда маҳсулотни реализация қилишнинг умумий ҳажмида ана шу молларнинг салмоғи қандай эканлигига қараб ажратилда.

Қарорда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг партия ташкилотлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, сифатини яхшилашга, турларини кўпайтириш ва янгилашга эътиборни кучайтиришлари, қарорда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини кун сайин контроль қилиб туришлари, шу тадбирларни бажаришда корхоналар ва қурилишларга ёрдам беришлари лозим. Ҳар бир корхонанинг аҳоли учун керакли моллари ишлаб чиқариш планларини, ҳар бир қурилиш ташкилотининг янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш топшириқларини бажаришга эришиш зарур. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд резервларни кидириб топишда ва шундай моллар ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни ишга туширишда заводлар, фабрикалар, қурилишлар коллективларининг социалистик мусобақаси ҳар томонлама авж олдирилиши ва ижодий ташаббускорлиги қўллаб-қувватланиши лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва аҳолининг бу молларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўққизинчи беш йиллик планнинг бош вазифасини, яъни халқнинг моддий ва маданий даражасини анча таъминлаш вазифасини бажаришнинг зарур шартларидан бири деб ҳисоблайдилар ва партия, совет, хўжалик ҳамда касаба союз органлари белгиланган топшириқларни бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирадилар.

ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қашқадарё областининг пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта сотиш давлат планини 27 октябрда, муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктларига 235 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Терилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди.

Қарши, Косон, Қамаши ва Чироқчи районларининг хўжаликлари мўл ҳосил учун курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу районларнинг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариб, социалистик мажбуриятлар ҳисобига пахта термоқда ва топширмоқдалар.

Косон ва Ульянов районларининг хўжаликлари пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш планини ҳам ошириб бажардилар.

Область шаҳарлари ва район марказларининг ишчилари, хизматчилари, шунингдек, ўқувчилар пахтакорлар эришган ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Механизаторлар ҳосилни йиғиб-териб олишда катта ёрдам кўрсатдилар. Машиналарда 50 минг тоннадан кўпроқ ҳосил териб олинди.

Пахта териш ва топириш давом этмоқда.

Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга қўшимча равишда камида 30 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

ПАРИЖ, МАРИ-РОЗ КЎЧАСИ, НОМЕР 4

ПАРИЖ, 27 октябрь. (**ТАСС махсус мухбири**). Франция меҳнаткаплари В. И. Ленининг бу мамлакатда истикомат қилган пайтларини ҳурмат билан эсга оладилар. Париждаги Мари-Роз кўчасида 4 рақамли уй бор. Бу ёрда учинчи қаватнинг балкони билан ёнма-ён ўрнатилган ёдгорлик лавҳасида Ленин барельефи ва қуйидаги сўзлар кўзга ташланади:

«В. И. Ленин бу уйда 1909 йил 6 июлдан 1912 йил 12 июнгача истиқомат қилган эди».

Французлар ва Парижнинг кўп меҳмонлари Мари-Роз кўчаси 4-уйдаги квартирани яхши биладилар. Франция Коммунистик партияси КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти билан ҳамкорликда бу ерда музей ташкил этган эди. Бу музей 1925 йил 27 апрелда очилган.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленининг музей-квартирасида бўлди.

Мари-Роз кўчасига минг-мингларлаб кишилар тўпланди Парижликлар қизил байроқларни, «Хуш келибсиз, Л. И. Брежнев!» ва рус тилида ёзилган «Ўртоқ Брежневга салом!» деган транспарантларни кўтариб олганлар.

Советлар мамлакатидан келган меҳмонни Франция Коммунистик партияси Бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Ж. Марше, Компартия Сиёсий бюросининг аъзолари Г. Бесс, Ж. Дюкло, Ж. Фришман, Б. Фрашон, Р. Гюйо, Р. Леруа, П. Лоран, Р. Пике, Г. Плисонье, Ж. Сеги, М. Венсан ўртоқлар кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев ва Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлари ҳамда совет мамлакатидан келган ўртоқлар учинчи қаватдаги Ленин квартирасига чиқишди. Мари-Роз кўчасидаги ана шу оддий квартира 1909-1912 йилларда рус революциясининг чинакам штабига айланган эди.

Франция Коммунистик партиясининг аъзоси, музей-квартирининг ходими ўртоқ А. Лежандр музейнинг ташкил этилиши тўғрисида, В. И. Ленининг Париждаги ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи экспонатлар ҳақида ўртоқ Л. И. Брежневга сўзлаб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин квартирасини зўр эътибор ва иштиёқ билан кўздан кечирди. икки ҳонадаги экспозиция билан танишди.

Шу пайтда Мари-Роз кўчасида «Интернационал» куйланмоқда эди. дўстона табрик хитоблари янграмоқда эди.

Л. И. Брежнев ва Ж. Марше ўртоқлар В. И. Ленининг кабинет хонасидан балконга чиқадилар. Париж меҳнаткашларининг вакиллари уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Ж. Марше шу ерда ҳозир бўлган кишиларга нутқ билан мурожаат қилди.

Шу йил июль ойида Москвада ўтказилган муҳим учрашув ана шу дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлигини яна тасдиқлади.

Ҳар иккала партиямизнинг ана шу дўстлиги ҳар иккала мамлакатларимиз учун ҳам худди шундай табиий ва зарурдир.

Французлар қандай сиёсий қараш ва қандай фалсафий фикрда бўлишларига қарамай, совет қуролли кучлари нацист ваҳшийларни тугатишда ҳал қилувчи роль ўйнаганликларини, Треблинк ва Освенцимдаги ажал лагерларидаги маҳбусларни қутқазганлигини, халқларни гитлерчилар асоратидан халос қилганликларини эсдан чиқармайдилар.

Француз — Совет ҳамкорлиги Европада хавфсизликнинг гарови эканлигини французлар яхши биладилар.

Миллий суверенитет, ҳуқуқий тенглик ва ўзаро манфаатдорлик негизида барча соҳаларда ана шу ҳамкорликни ривожлантириш — Франциянинг миллий манфаатлари учун ҳаётий зарурдир.

Шу сабабли тинчликни ва Ватанимизнинг келажагини қадрлаётган барча французлар билан биргаликда Франция — Совет музокараларида ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик йўлида олға қараб янги қадамлар қўйилишини кутмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам биз антисоветизмнинг ҳар қандай кўринишларига, ҳар қандай баҳона ишлатилишига ва бунинг ташаббускорлари ким бўлишига қарамай, ҳамиша зарба бераверамиз.

Ҳар қандай уринишларга қарамай, Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ана шу дўстликни ривожлантириш, тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш мақсадида тинмай қилган ва қилаётган ишларимиз мамлакатимиз ҳаётида йирик капитал ҳукмронлигига қарши, одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишидан халос бўлган жамият учун, социалистик Франция учун бутун куч-ғайратимиз билан қатъий кураш олиб боришимизга сира ҳам зид эмаслиги тамомида равшандир. Ҳеч ким бунга шубҳа қилмайди.

Азиз ўртоқ Брежнев!

Мамлакатингизга қайтиб борганингиздан кейин француз коммунистларининг, меҳнаткашлари ва демократларининг энг қизғин қардошлик саломини Совет коммунистларига, бутун совет халқига топширишингизни ва ҳар иккала халкларимиз ўртасидаги дўстликни, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўражагимизни уларга айтиб беришингизни сиздан илтимос қилишга ижозат бергайсиз.

Яшасин Ленин намунаси ва таълимоти!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин Француз — Совет дўстлиги ва ҳамкорлиги!

Яшасин социализм ва коммунизм!

Парижликлар ўртоқ Ж. Маршенинг нутқини зўр эътибор бериб тингладилар ва давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев микрофон олдига келади. Мари-Роз кўчасида гулдурос қарсаклар бошланади, табрик хитоблари янграйди.

ЎРТОҚ Ж. МАРШЕ НУТҚИ

Азиз ўртоқ Брежнев!

Совет ҳукумат делегациясининг аъзолари, қадрли ўртоқлар!

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан, мамлакатимизнинг меҳнаткашлари ва тараққийпарвар кишилари номидан бу уйда, Ленин яшаган уйда сизларни табриклашга ижозат бергайсиз.

Барча замонларнинг энг улуғ революционери чор маъмурларининг таъқибидан эмиграцияга жўнаб кетишга мажбур бўлиб, пойтахтимизда актив иш олиб борган чоқда бутун дунёда капитализм танҳо ҳукмронлик қилган эди.

Маркс билан Энгельснинг илмий социализмга амал қилган чин революционерлар кичик бир группа бўлиб, ҳамма жойда полиция томонидан таъқиб этилар эди.

Ленин туфайли социализм фақат идеалгина бўлиб қолмай, реал тузум ҳам бўлиб қолди.

Тарихда биринчи социалистик революция — Октябрь революцияси В. И. Ленин раҳбарлигида ғалаба қозонди ва биринчи социалистик давлат — Совет социалистик Республикалари Иттифоқи вужудга келди. Сизлар бу ерда ана шу давлат вакилларисиз.

Ленин ана шу оддий квартирада бошлана топган шу асрнинг бошидан эътиборан социализм тарихда олға қараб жўда катта қадам қўйди.

Эндиликда социализмгина ижтимоий тараққиётнинг йўналишини белгилаб бермоқда ва халқаро майдонда ташаббус унинг қўлидадир.

Социализм — жаҳон ишлаб чиқаришининг учдан бир қисми демакдир.

Социализм қудратли давлат бўлиб, барча қитъаларда мавж уриб юксалди.

Социализм шундай бир жамиятки, бу жамиятнинг мақсади Ленин айтганидек, «жамият барча аъзоларининг ҳар томонлама фаровонлигини ва ҳар томонлама эркин ривожланишини таъминлашдир».

Социализм — инсониятнинг келажаги, Франциянинг ҳам келажагидир.

Биз социализм учун курашмоқдамиз.

Франция Коммунистик партияси халқ бирлиги демократик ҳукуматининг программасини илгари сурди. Бу программа халқимизга мамлакатимиз шароитида ана шу йўлдан олға ҳаракат қилиб бориш учун энг қулай воситаларни таклиф этади. Бу программани амалга ошириш Францияда илғор иқтисодий ва социал мазмунга эга бўлган, социализмга йўл очиб берадиган янги демократик тузум ўрнатиш имконини беради.

Совет Иттифоқи жаҳон миқёсида социал тараққиёт, мустақиллик, тинчлик ва социализм учун кўпдан буён олиб борилаётган курашга жуда муҳим ҳисса қўшмоқда.

КПССнинг XXIV съезди ва Совет ҳукуматининг шу съезддан кейинги даврда халқаро майдонда кўрсатган муҳим ташаббуслари буни исбот этувчи янги далилдир.

Шу сабабли бизнинг Коммунистик партиямиз, Франция ишчилар синфи пролетар интернационализмига астойдил содиқ бўлиб, ўзларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан боғлаб турган қардошларча бирдамликни ҳамиша табиий ва зарур деб ҳисоблаб келдилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Ўртоқлар!

Қадрдон ўртоқ Марше!

Партиямизнинг ва бутун халқаро пролетариатнинг улуғ йўлбошчиси, совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин яшаган ва ишлаган квартирани келиб кўриб, қандай тўлқинланганлигимизни ҳаммангиз тушунib турибсиз.

Совет кишисининг қалбига азиз бўлган бу жойни келиб кўриш имконияти яратиб берилганлиги учун миннатдормиз.

Совет коммунистлари, улуғ Ленининг шогирдлари ва издошлари унинг васиятларини, унинг идеалларини муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар.

Ленин Франция халқини астойдил ҳурмат қилганлигини, унинг демократик ва революцион традицияларини қадрлаганлигини. Париж Коммунасининг тарихий тажрибасини ва Француз пролетариатининг бошқа ҳаракатларини эътибор билан ўрганганлигини ҳамиша эсда тутамиз.

В. И. Ленининг Парижда бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларга эҳтиёт билан қараб кеҳаётганликлари учун француз коммунистларига, Франция Компартияси Марказий Комитетига катта раҳмат.

Яшасин совет ва француз халқларининг дўстлиги, СССР билан Франция ўртасидаги дўстлик!

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар «Яшасин Совет Иттифоқи!» деб ҳамда рус тилида, «Ура», «Тинчлик!», «Дўстлик!» деб хитоб қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленининг СССР халқ рассоми Н. В. Томский бронзадан ясаган скульптурасини музейга тухфа қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари музейни келиб кўрувчилар китобига шу сўзларни ёзиб қолдирди:

«Владимир Ильич Ленин уч йилдан кўпроқ вақт истиқомат қилган ва ишлаган оддий квартирани зўр иштиёқ билан кўздан кечирдик.

Ленин Россиядаги энг разил реакция йилларида бу ерда, эмиграцияда яшаб, Россия пролетариати партиясини самодержавига, помешчик ва капиталистларга қарши қатъий жангларга тайёрлаган эди.

Улуғ Ленининг ҳаёти, ишлари ва номи билан боғланган ҳамма нарсалар Совет коммунисти учун муқаддасдир. Биз халқаро ишчилар синфи йўлбошчисининг ёдгорлигини авайлаб сақлаб келаётганлиги учун Франция Компартиясига сидқидилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Л. БРЕЖНЕВ».

В. И. Ленин Музейини бориб кўриш, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Мари-Роз кўчасида Париж меҳнаткашларининг вакиллари билан қардошларча самимий учрашуви пролетар интернационализмининг, совет ва француз халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг тўлқинлантирувчи намойишига айланди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВнинг ГДРга ДЎСТОНА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шу йил октябрь ойининг охирида дўстлик визити билан Германия Демократик Республикасига боради.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

ПАРИЖ, 27 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев бугун Франция ташқи ишлар министрлиги саройида Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Франция ҳукуматининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳам ҳозир бўлишди.

Совет томонидан Л. И. Брежнев билан биргаликда Францияда меҳмон бўлиб турган расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Л. И. Брежнев шу ерда ҳозир бўлган кишиларга нутқ билан мурожаат қилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Муҳтарам президент жаноблари ва Помпиду ҳоним!

Ҳонимлар ва жаноблар! Ўртоқлар!

Мен бугун Франция республикасининг президентини ва барча француз дўстларимизни меҳмонларимиз сифатида табриклашимдан ғоят мамнунман.

Биз шу кунларда ажойиб пойтахтингиз билан танишдик, бу ерда бизга нисбатан кўрсатилган меҳмондўстлик ва эътиборни тўлиқ ҳис этдик. Франция диёридаги учрашувларимиз самимий дўстлик вазиятида ўтмоқда. Франция президенти билан ва Франциянинг бошқа давлат арбоблари билан суҳбатларимиз самимий ва ишчанлик вазиятида ўтганлигини хурсандчилик билан қайд қиламиз. Буларнинг ҳаммаси Совет—Франция муносабатларининг юксак даражасига, улар тараққиётининг шаҳдам одимларига мосдир.

Совет ҳукуматининг биринчи бошлиғи Владимир Ильич Ленин 1922 йилда Совет Россиясининг Франция билан яқинлашуви айни муддао эканлиги тўғрисида гапирган эди. Ҳозирги кунда бу яқинлашув реал бир нарса бўлиб қолди ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқанинг чуқур мазмуни билан бойиди. Бунда СССР билан Франция гарчи турли иқтимоий системаларга мансуб бўлсалар ҳам ўз ҳамкорлигини кучайтириб бораётганлиги фактидан келиб чиқадиган ва ўзига хос бўлган кўпгина янгиликлар бор. Шу маънода олиб қараганда Совет—Франция муносабатлари яхши ўрнак бўлиб хизмат қила олади.

Аввало, тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет Иттифоқи билан Францияни бирлаштириб турибди. Тинчликка интилиш ер юзидаги барча халқларни бир-бири билан иноқлаштиради, реалистик фикр юритувчи сиёсий арбобларни яқинлаштиради. Бу эса Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретарининг Франция президенти билан учрашувини табиий бир ҳолатга айлантирди. Мамлакатларимизнинг кескинликни юмшатиш ва барча халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш манфаатларини кўзлаб қилаётган ҳаракатлари ҳозирги жаҳонда шубҳасиз салмоқли ижобий омилдир.

Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида ҳам кўп иш қилинди. Ана шу ҳамкорлик туфайли савдосотиқ ривожланиб бориши билан бирга ҳозирги кунда ядро физикаси соҳасида биргаликда тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда ва Совет Иттифоқида Франция атом электростанциялари учун табиий уран бойитилмоқда, космоса — «Луноход»да, планетараро «Марс-3» станциясида биргаликда экспериментлар ўтказилмоқда ва бошқа кўп ишлар қилинмоқда. Бизнинг фан соҳасидаги алоқаларимиз халқларимизнинг фикри-зикри бир-бирига мос бўлиб тушган нарсани — уларнинг келгусида дўстликка интилишларини ифода этади.

Бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлигимиз учун жуда кенг имкониятлар бор. Давлат арбоблари ўртасидаги алоқалар, парламент аъзоларининг учрашувлари, жамоатчилик йўли билан қилинаётган алоқалар, ҳарбийларнинг алоқалари, кенг кўламдаги маданий муносабат тобора кучайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси бизни қувонтирмай қола олмайди.

Ҳозирги вақтда муносабатларимизни янада ривожлантириш учун муҳим бўлган нарса нимадан иборат? Бизнинг фикримизча, аввало белгиланган планларни амалга оширишга ўтиш, тинчлик манфаатлари йўлида ўзаро қилинадиган ҳаракатларимизни кучайтиришни мамлакатларимиз ўртасида таркиб топаётган мустаҳкам ҳамкорликнинг ҳаётийлиги учун гаров деб биламиз. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз қандай таркиб топишига ва халқаро майдондаги гап-сўзлар шакли қай тариқа ўзгаришига қарамай, ўзи танлаб олган йўлдан бундан буён ҳам боришга қатъий қарор бергандир.

Биз Франция билан иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришга, катта лойиҳаларнинг амалга оширилишини Совет—Франция савдосотиғини ўстиришни 10 йил ҳатто 20 йил олдин таъминлаб қўядиган чораларни кўришга тайёрмиз.

Биз СССР ва Франция жамоатчилик фикрида самимийлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини тағин ҳам ривожлантиришга интилавермиз. Бу — халқларимизнинг дўстлик традицияларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни, уларнинг маданиятига бўлган иштиёқини рағбатлантиришни, хуллас совет ва француз кишиларига, хусусан ёшларга бир-бирини яхшироқ билиб олиш ва қадрлашга ёрдам берадиган алоқа ҳамда муносабатларнинг ҳамма формаларини кўпайтира боришни кўзда тутади.

Буларнинг ҳаммаси совет жамоатчилигининг тийғу ва кайфиятларига жуда мос бўлиб тушади. Совет кишилари болалик чоғлариданоқ бошқа халқларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланади. Франциянинг тарихи, француз адабиёти ва санъатининг энг яхши асарлари, унинг илм-фан соҳасида эришган муваффақиятлари мамлакатимизда жуда катта қизиқиш туғдирмоқда, деб мамнуният билан айтиш мумкин.

Францияда ҳам мамлакатимизга, унинг маданияти ва фанига иштиёқ кучайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Бинобарин бу соҳадаги ишлар учун жуда кенг ва жуда яхши имкониятлар бор. Биз халқларимизнинг бир-бирларининг ҳаётини мумкин қадар кўпроқ билиб олишлари, бир-бирлари тўғрисида кенг объектив маълумот олишлари тарафдоримиз ва бутун чоралар билан бунга ёрдам беришга тайёрмиз.

Ҳурматли президент жаноблари!

Совет Иттифоқи ва Франция ўзларининг кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳаракатлари билан ҳозирги вақтда Европада рўй бераётган муҳим силжишларга ёрдам берганлигидан қаноат ҳосил қила оладилар. Бу — ҳамкорлигимиз самарадорлигининг одамларга далда беруви намунасидир. Совет Иттифоқи билан Франциянинг позицияси, улар ўртасидаги муносабатларнинг тобора яхшиланиши Европадаги вазиятнинг ривожланишига тобора катта таъсир кўрсатади. Биз бунга аминмиз, жумладан, мамлакатларимизнинг Умумевропа кенгашини чақириш борасидаги актив ҳаракатлари бу кенгашнинг келгуси йилдаёқ ўтказилишига ёрдам бера олади.

Биз планетамиздаги «оловли нуқталар»да можарони сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш соҳасида мамлакатларимизнинг бамаслаҳат қиладиган ҳаракатларига катта аҳамият берамиз.

Ҳозирги кунда Американинг Вьетнам, Лаос, Камбоджа халқларига қарши қилаётган агрессияси тинчликка эришиш йўлидаги энг жиддий ғовларнинг биридир. Совет Иттифоқи Ҳинди-Хитой халқларининг озодлик ва мустақиллик учун курашини доим қўллаб-қувватлаб келмоқда ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради.

Ҳинди-Хитойдаги можарони бартараф қилишнинг фақат бир йўли бор—у ҳам бўлса жаҳоннинг ана шу районидаги халқлар ички ишларига ажнабийларнинг аралашувини тўхтатиш йўлидир. Бу проблемани ўзгаларнинг хоҳишини қуч ишлатиб Вьетнамга мажбуран қабул қилдиришга уринши йўли билан ҳам, Вьетнам халқига қарши орқаворотдан найранг ишлатиш йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин эмас. Ана шу принципиал масалада ҳам СССР билан Франциянинг позициялари бир-бирига жуда яқиндир. Биз бунга юксак баҳо берамиз.

Сиз билан биз Яқин Шарқ танглигини бартараф қилиш масаласига ҳам бир хил ёндошмоқдамиз. Яқин Шарқдаги хатарли ҳолатдан хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги ҳаммага аён резолюцияси негизида қутулиш мумкин. Бу резолюция Араб мамлакатлари халқларининг манфаатларига ҳам, Исроил халқининг узоқ даврга мўлжалланган чинакам манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Агрессия оқибатларини тугатишдан бош тортиш, Исроил ҳукуматининг хавфсизлик кенгаши қарорини бажаришни қайсарлик билан истамаётганлиги —ўт билан ўйнашишдан бошқа нарса эмас. Шу масала юзасидан маслаҳатлашиб олаётган тўрт давлатнинг бурчи — Яқин Шарқдаги можаронинг тинч бартараф қилинишига ёрдам беришдан иборат.

Хуллас, Совет Иттифоқи билан Франциянинг жаҳон миқёсида халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб биргаликда ҳаракат қилишлари учун жуда катта имкониятлар бор.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик келгуси ҳам кучайиб, ривожланиб боради, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Бундан ҳеч ким ютқизмайди. Бундан тинчлик иши ва бутун инсоният тараққиёти наф кўради.

Дўстлигимиз учун!

Франция Республикасининг президенти ва Помпиду ҳоним соғлиғи учун! Барча француз меҳмонларимизнинг соғлиғи учун!

Президент жаноблари!

Дўстлигимиз ва ўсиб бораётган Совет—Француз ҳамкорлиги (бу ҳамкорликда фан ва техника анча катта ўрин олади) нишонаси учун шу туҳфани — «Совет «Луноходи» моделини сизга тақдим этишга ижозат бергайсиз. Францияда тайёрланган жуда муҳим приборлазер нурини акс эттирувчи прибор бу «Луноход»га ўрнатилганлиги ва шу вақтгача ишлаб келаётганлиги сизга яхши маълум. Бу прибор ана шу моделда француз миллий байроғининг ранглари билан махсус кўрсатилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида эсдалик туҳфасини Франция президентига топширди.

Ж. Помпиду жавоб нутқи сўзлади.

Ж. ПОМПИДУ НУТҚИ

Бош секретарь жаноблари!

Бизлар — менинг рафиқам ва мен, шунингдек министрлар ва бизга ҳамроҳ бўлган кишилар бугун кечқурун Сизнинг меҳмонингиз бўлишимиздан бахтиёрмиз. Сиз ҳозиргина зўр илтифот билан айтган гапларингиздан миннатдормиз.

Визитингизнинг учинчи куни тамом бўлаётган бир пайтда душанба куни Трианонда айтган истакларим рўёбга чиқмоқда, деб айта сламан. Мен шундай фикрдаман. Очиқ кўнгиллилик билан олиб борган чуқур мазмундор суҳбатларимиз Франция билан Совет Иттифоқининг асосий халқаро проблемалар ҳақидаги нуқтаи назари қўпинча нақадар яқин эканлигини ва бизларнинг ҳамжиҳатлигимиз ва ҳамкорлигимиз нақадар муҳим эканлигини кўрсатди. Биз бу сўзларни тез-тез такрорламоқдамиз. Дарҳақиқат ҳар иккала халқимизнинг ва Европадаги барча халқларнинг бахт-саодати учун кўпроқ самара берадиган ва кўпроқ далда берадиган сўзлардан ҳам бошқа гапларни топиш мумкинми, ахир?

Генерал де Голлнинг СССРга қилган сафари вақтида ўтказила бошланган сиёсат Франция-Совет муносабатларини бениҳоя юксак погонага кўтариш имконини берди.

Мардликни ақл идрок билан қўшиб олиб борадиган ҳар қандай сиёсат каби бу сиёсат ҳам жаҳонда дастлабки пайтларда ишончсизлик билан кутиб олинди. Эришилган натижалар бу сиёсатга ишонмаган кишилар нохақ эканлигини жуда яққол исботлаб берди. Франция — Совет ҳамкорлиги ўрнак бўлиб хизмат қила олишини ва кўп мамлакатлар ҳам худди шундай йўлга ўтаётганлигини ҳозирги кунда ҳамма эътироф қилмоқда.

Ўтган йили Москвада очиб берилган истиқболлар, бугун имзоланган иқтисодий битим каби муваффақият қозониш истаги билан биргаликда қилинадиган жиддий тадқиқотларга тезроқ олиб келишини истар эдим. Раис А. Н. Косигин яқинда Жискар Дъэстэн билан қилган суҳбатида ана шу истиқболлар тўғрисида батафсил гапирган эди.

Фан-техника соҳасидаги ҳамкорлигимиз тез ва баъзан жуда яхши ривожланди.

Информацияни айирбошлаш, мутахассисларни, илмий тадқиқот миссияларини ўзаро юбориб туриш, асарларни биргаликда эълон қилиш — тез такрорланиб турадиган ҳодиса бўлиб қолмоқда ва фаннинг ҳамма соҳаларини: атом энергияси, космос, медицина, шаҳар қурилиши, агрономия, информатика ва ҳоказоларни ўз ичига олмоқда. Совет ва француз мутахассислари баъзи ҳолларда илмий жиҳатдан муҳим бўлган катта лойиҳаларни амалга оширишда биргаликда қатнашдилар. Серпуховодаги катта тезлатгич учун шарсимон «Мирабель» камерасининг вужудга келтирилганлигини (Кириллин ва Ортолл жаноблари ҳали яқиндагина буни кашф этдилар), Францияда тайёрланган лазер нурини акс эттирувчи приборнинг Луноход ёрдамида ойга чиқарилганлигини, планеталараро «Марс-3» автомат станцияси бортида «Стерео» эксперименти-нинг амалга оширилганлигини, Гвианадаги қуру космик тадқиқотлар марказида туриб ўтказиладиган метеорологик тадқиқотларни мисол тариқасида келтириб ўтаман.

Ҳар иккала мамлакатдаги олимларни ва техник мутахассисларни фан тараққиётини таъминлаш йўлида бирлаштираётган ана шу мураккаб ва муҳим тадбирлар яқин йиллар ичида амалга ошириш учун ҳаракат қилишимиз лозим бўлган ишларни кўрсатувчи энг яхши намунадир. Бу тадбирлар амалий натижалар бериш билангина чекланиб қолмайди; бу тадбирлар бизнинг тадқиқотчиларимизда ва Сизнинг тадқиқотчиларингизда биргаликда меҳнат қилиш одатини вужудга келтиради ва бир-бирларини ҳурмат қилиш туйғуларини намойиш қилади. Бу эса ҳар иккала халқларимиз ўртасида амалга оширилиши лозим бўлган муносабатлар намунасидир.

Умуман маданий муносабатларга келганда, бу соҳада ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим эканлигини эътироф этишимиз керак. Рус ва француз маданияти икки аср мобайнидаги маҳкам алоқалар туфайли эришилган ўзаро таъсир даражасини эътиборга олганда биз янада илгари силжиб боришимиз мумкин.

Мен кенг халойиқни қизиқтира оладиган театр спектакллари ва бадиий тадбирлар миқдорини кўпайтириш билан бирга маданий фаолиятнинг турли соҳалари намояндаларининг учрашуви ва суҳбатларини тез-тез ўтказиб туришни, китоб ва фильмлар айирбошлашни кенгайтириши истар эдим. Франция — совет муносабатларининг миқёсларини эътиборга олганда бу ишлар ҳали жуда ҳам паст даражада турибди. Тарихимизни, тилларимизни, адабиётимизни ва санъат асарларини ўзаро ўрганишни ривожлантирмоқ учун жиддийроқ ҳаракат қилиш зарур. Бир-биримизни ҳурмат қилишимиз, бир-биримизни тушунишимиз учун аввало, бир-биримизни яхшироқ билиб олишимиз керак. Шу сабабли, жумладан, ҳар икки мамлакатларимиздаги кишилар ўртасида ва хусусан ёшлар ўртасида алоқаларнинг кенгайтирилишини истайман. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан ўтказиладиган кенгашда Европадаги барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ривожлантиришга ҳаракат қиладиган ишларимиз албатта ўз ўртамиздаги муносабатларга ҳам таллуқли бўлади.

Умуман олганда кейинги йил ичида сиёсий соҳадаги муносабатларимиз жуда яхши ривожланди. Ўртамиздаги алоқалар, албатта, дўстона, лекин кам алоқа қилиб турилган даврдан кейин ҳамма босқичларда вақти-вакти билан маслаҳатлашиб туриш пайти келди. Биз нуқтаи назарларимизни яқинлаштиришга, дўстлигимизни мустаҳкамлашга ва тинчлик ишига тоборо кўпроқ ёрдам бермоқ учун бу ишни давом эттиришга қатъий қарор бергамиз.

Дарҳақиқат, Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг жиҳатларидан бири шундан иборатки, ҳукуматларимиз бу муносабатларни тўхтовсиз кенгайтириш ва мустаҳкамлашга аҳд қилдилар. Бу яхши ният 1966 йил 30 июндаги Француз—Совет Декларациясидаёқ ёзилган эди. Бу Декларациянинг авторлари «Алоқа ва ҳамкорликни ғоят ривожлантириш учун барча имкониятларни қидириб топиш истаги»ни асос қилиб олдилар.

Бу нарса шундан кейинги ҳамма босқичларда ўз ифодасини топди: 1970 йил 13 октябрдаги қўшма баёнотда ҳар иккала мамлакат раҳбарлари «ўз муносабатларини доим яхшилаш» ва «яқинлашиш йўлини давом эттириш»га интилаётганлиги тўғрисида эслатиб ўтилди.

Сиз билан биз бошланган ишимизни кундалик ёки бир хил юмушлар билан тўхталиб қолишга йўл қўймасликка қатъий бел боғлаганмиз. Сизнинг сафарингиз бу ишга яна мадад беришига аминман. Бу сафардан кузатилган мақсад ҳам шу, бу сафарнинг халқларимиз манфаатларига ва тинчлик манфаатларига жавоб берадиган натижаси ҳам шундан иборат бўлади.

Шу сабабли, Бош секретарь жаноблари, бу қадаҳни Сиз учун, рафиқангиз соғлиги учун ва Сизга ҳамроҳ бўлган барча арбобларнинг соғлиғи учун кўтараман, Франция билан Совет Иттифоқининг ҳаётбахш ва доим камол топувчи дўстлиги учун чин кўнгилдан қадаҳ кўтараман.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Л. И. Брежнев ва Ж. Помпидунинг нутқларини зўр эътибор билан тингладилар ва қарсаклар билан кутиб олдилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ЛУВР МУЗЕЙИДА

ПАРИЖ, 27 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев бугун тушдан кейин француз ва жаҳон маданиятининг ифтиҳори бўлмиш Лувр музейини бориб кўрди.

Музей дарвозаси олдида Совет Иттифоқи олий меҳмонини Франция маданият ишлари министри Ж. Дюмель кутиб олди. У Л. И. Брежневни Франция музейлар директори Ж. Шатлен билан ва Лувр музейи директори А. Парро билан таништирди.

Л. И. Брежнев қадимий сарой залларида тўпланган тасвирий санъат дурдоналари билан —кўп асрларнинг машҳур мўйқалам усталари чизган суратлар, турли йўналишлар ва даврларга мансуб ҳайкалтарошларнинг ажойиб асарлари билан танишди.

Шундан кейин Л. И. Брежнев Луврнинг катта галереясига қараб йўл олди. Л. И. Брежнев, шунингдек бутун жаҳонга машҳур, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Пабло Пикассонинг 90 ёшга тўлиши муносабати билан ташкил қилинган унинг расмлар виставкасини кўздан кечирди.

Луврдаги виставкага Пикассонинг 1905 йилдан бошлаб 1945 йилгача яратган ва рассом ижодининг турли даврлари учун характерли бўлган полотнолар қўйилган.

СОВЕТ—КУБА МУЗОКАРАЛАРИ

ГАВАНА, 28 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Илгари хабар берилганидек, кеча Революция саройида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, бош министр Фидель Кастро ўртасида музокаралар бошланди. Қардошларча дўстлик, самимий ва ўртоқларча очиқ кўнгиллилик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Куба халқларининг тинчлик ва социализм ишлари манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Куба ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди. Ҳар икки томонни қизиқтирган бир қанча халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Музокараларда совет томонидан Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жвахишвили, СССР Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, шунингдек СССРнинг Кубадаги элчиси Н. П. Толубеев қатнашдилар.

Куба томонидан республика президенти Освальдо Дортикос, Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро, ички ишлар министри Серхио Дель Валье, Компартия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Армандо Харт, Компартия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Гильермо Гарсиа, Компартия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Рамиро Вальдес ва Компартия Марказий Комитети аъзоси, Кубанинг СССРдаги элчиси Рауль Гарсия Пелаес, Компартия Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, революцион ҳукумат министри Карлос Рафаэль Родригес, Куба революцион қуролли кучлар министрининг биринчи ўринбосари Хуан Альмейда ҳозир бўлдилар.

СОВЕТ—КУБА ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

ГАВАНА, 28 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Дўстлик визити билан Кубада меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат бош министри Фидель Кастро пойтахт яқинидаги Аламар шаҳарчасини бориб кўрдилар. Бу ерда янги уй-жой массиви қурилмоқда. Қурилишни мамлакатдаги 150 завод ва фабриканинг кўнгилли отрядлари олиб бормоқда.

Аламар ва Куба пойтахти бошқа районларининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмонни самимий кутиб олдилар. Ҳамма жойда: «Хуш келибсиз, қардош совет халқининг вакиллари!» деган шиорларга кўзингиз тушади.

Аламар кўздан кечирилгандан кейин ўтказилган оммавий митингда А. Н. Косигин нутқ сўзлади. А. Н. Косигин билан Фидель Кастро минбарга чиққанларида минглаб ишчилар: «Яшасин Совет — Куба дўстлиги!», «Яшасин коммунизм!» деб қайта-қайта хитоб қилдилар.

Биз Кубага ўртоқ Фидель Кастронинг таклифига биноан келдик, дейди А. Н. Косигин. Совет кишилари кубаликларга ғоят дўстона туйғулар билан қарамоқдалар. Бу — ҳамма Куба томонида бўлиб келаётган халқнинг туйғуларидир.

Биз эса, деб таъкидлади А. Н. Косигин Гавана кўчаларига келган кунимиз ўзимиз шоҳиди бўлган дўстлик намойишини асло унутмаймиз.

Дунёда ҳали социализм кучлари билан империализм кучлари ўртасидаги кураш давом этмоқда, деди у. Лекин социализм иши галаба қозонаётганлигини айтмоқ керак. Биз буни Совет Иттифоқида, Кубада, Вьетнамда, Европа ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида кўриб турибмиз. Бу кучни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди. Бу кучнинг манбалари шундаки, социалистик мамлакатлардаги ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг бутун меҳнати халқ манфаатларига муносиб бўлиб тушмоқда.

Биз Аламарда, деди сўнгра А. Н. Косигин, меҳнат гайрати жўш уриб турганлигини кўрдик, комилишонч билан айтиш мумкинки, яна икки йилдан кейин бу ерда Гавананинг гуллаб-яшнаб турган социалистик райони қад кўтаради.

СССР Министрлар Советининг Раиси Куба ишчиларига Москва бинокорларидан салом топширади. Куба пролетариатининг илғор отрядлари бўлган сизларга шон ва шарафлар! — дейди А. Н. Косигин.

А. Н. Косигин Совет — Куба дўстлигининг рамзи сифатида Фидель Кастрога В. И. Ленининг бюстини топширди ва бу бюст бинокорларнинг энг яхши бригадасига берилсин, деб тилак билдирди.

Сўзининг охирида СССР Министрлар Советининг Раиси Совет — Куба дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтди.

Фидель Кастро жавоб нутқи сўзлади.

Ў Аламарда уй-жой қурилиши муваффақиятли олиб борилаётганлигини гапириб, икки минг кишилик кўнгилли бинокорларнинг фидокорона куч-ғайратларини коммунистик меҳнат намунаси деб атади. Кастро Аламар бинокорларининг меҳнат унумдорлиги ва интизоми юксак эканлигини таъкидлади ҳамда бутун мамлакатдаги меҳнаткашларни бу ишда улардан ибрат олишга чақирди.

Сўнгра Фидель Кастро совет халқи оғир тарихий синовлардан шараф билан ўтганлигини уқтирди. У Совет Иттифоқининг гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашини ва совет кишиларининг халқ хўжалигини тиклашдаги меҳнат шижоатини юксак баҳолади. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади Кастро, ҳамма синовлардан янада мустаҳкамланиб ва куч-қувватга тўлиб чиқди.

Совет Иттифоқи Куба республикасига ҳар тарафлама ёрдам бераётганлигини Куба Бош министри эслатиб ўтди. Бунинг учун биз совет халқидан миннатдормиз ва унга ташаккур айтамиз, деди Фидель Кастро.

У Совет Иттифоқи билан Куба халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик шарафига табрик сўзлари айтди.

Митингдан кейин А. Н. Косигин билан Фидель Кастро Гавана вилоятини сайр этиб, кўздан кечирдилар. Куба — Совет дўстлиги номидаги авторемонт заводида бўлдилар.

ВЕНГРИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ТОШКЕНТДА

28 октябрда Тошкент аэропорти Венгрия Халқ Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилди. Бу байроқлар СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлиси делегациясининг Ўзбекистон пойтахтига келиши шарафига кўтарилган эди.

Делегацияга Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг раиси, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Антал Апро бошчилик қилади. Делегация составида давлат мажлисининг депутатлари — Венгрия Социалистик ишчи партияси Фейер область комитетининг биринчи секретари Карой Херцег, Сабольч—Сатмар область Совети ижроия комитетининг раиси Ференц Орос, Будапештдаги Лоранд Этвеш номли университет кафедрасининг мудири профессор Иштван Кирай, металлургия ва машинасозлик саноати министрлиги лойиҳалаш бюросининг директори Янош Инокаи, Виаторбадь шаҳридаги умумий таълим мактабининг ўқитувчиси Безане Банати, Чонград областидаги «Вузакалас» қишлоқ хўжалик кооперативининг раиси Ференц Ниеснер, Капошвар шаҳридаги тикувчилик фабрикасининг ишчиси Яношне Костоланцилар бор.

Ўзбекистон бўйлаб қилинаётган саёҳатда делегацияга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. М. Пўлатова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ғ. Абдураҳмонов, Р. Сахибоев меҳмонларни аэропортда кутиб олдилар.

Венгрия парламентининг аъзолари Тошкентга келганларидан сал вақт ўтгач Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ҳузурида бўлдилар. Делегация аъзолари самимий ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида республика Олий Совети, унинг Президиуми ва доимий комиссиялари фаолияти билан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари билан танишдилар.

Делегация бошлиғи Антал Апро шодиёна кутиб олганлиги учун ташаккур изҳор қилди ва Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг фаолияти ҳақида, венгер халқининг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмонлар шу куни шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишларини кўздан кечирдилар. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов Совет-Чехословакия дўстлиги жамияти учинчи Бутуниттифоқ конференцияси ишида қатнашиш учун Москвага келган Чехословакия—Совет дўстлиги иттифоқи делегациясини 27 октябрда қабул қилди. Делегацияга Чехословакия Коммунистик партия Марказий Комитети президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари А. Индра бошчилик қилмоқда.

Ўртоқ И. В. Капитонов билан чехословакиялик ўртоқлар ўртасида дўстона ва самимий вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

28 октябрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов КПСС Марказий комитетининг Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори муносабати билан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленум капитал қурилишни яхшилаш ва ишга туширилган ишлаб чиқариш майдонларини тезлида ўзлаштириш чоралари тўғрисида область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин докладини ҳам муҳокама қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 28 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,92	124,09	0,33	134,91
ТОШКЕНТ	0,67	114,03	0,37	103,07
НАМАНГАН	0,52	108,58	0,63	113,73
ХОРАЗМ	1,00	108,18	1,40	82,33
АНДИЖОН	0,55	106,93	0,91	103,34
САМАРҚАНД	1,18	104,76	1,01	109,36
ҚАШҚАДАРЁ	0,76	100,17	0,37	63,74
ҚҚАССР	1,48	99,46	1,44	81,72
Сурхондарё	0,61	98,51	0,20	83,62
Бухоро	0,87	97,49	0,52	103,08
Фарғона	0,91	94,10	1,50	97,22*)
Республика бўйича:	0,85	105,00	1,12	101,18

Шу жумладан, ишчиларга топшириб пахта:

ҚАШҚАДАРЁ	бир кунда	1,82	мавсум бошидан	104,97
Бухоро	бир кунда	2,02	мавсум бошидан	96,42
Сурхондарё	бир кунда	1,10	мавсум бошидан	94,67
Республика бўйича:	бир кунда	1,42	мавсум бошидан	108,73

*) Маълумот аниқланган.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҚАШҚАДАРЁ МАРРАГА ЕТДИ

✻ Область пахтакорлари давлатга 235 минг тонна «оқ олтин» сотдилар

✻ *Машиналарда 50 минг тоннадан ортиқ пахта терилди*

✻ Қашқадарёликлар она-Ватанга камида яна 30 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар

«Ленинизм» колхозининг Тошмурод Қобилов бошлиқ бригада азаматлари бу йил Қарши районида пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Улар шу кунгача ҳар гектаридан 50 центнердан дурдона олиб, Қашқадарёнинг улкан хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Суратда: илғор бригада бошлиғи Тошмурод Қобилов.

ХАЛҚ МЕҲНАТИ САМАРАСИ

Р. ҒОЙИБОВ,

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари.

◆ ◆

Қашқадарё область меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг яқиндан берган ёрдамига таяниб, бу йилгидек сув танқис бўлган йилда ўз ваъдалари устидан чиқдилар. Она-Ватан омборларига 235 минг тоннадан ортиқ қиммат баҳо хом ашё етказиб бериб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига топширилган ҳосилнинг 95 проценти биринчи сортларга олинди. Шу жумладан 34 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта етказиб бериб, бу соҳадаги топшириқни ҳам муваффақиятли уддаладилар.

Областимиз эришган ғалабага Шаҳрисабз райони 39 минг тонна, Ульянов райони 32,5 минг тонна, Яккабоғ райони 24,5 минг тонна, Китоб районида 23 минг тонна пахтаси билан ҳисса қўшдилар. Қарши районида пахта тайёрлаш планини 120 процент, Косон районида 110 процент, Қамаши районида 107 процент, Чироқчи районида 101 процент, Ғузор районида 100 процент бажарди.

Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб келган бу йилги шароитда областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг моддий-техника ёрдамини ҳар қадамда сезиб турдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети сув танқислигини енгиш билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив тарзда ҳал қилиб бердилар. Бу борада республика Сув хўжалиги министрлиги ҳам амалий ёрдам кўрсатди.

Сув танқислигини енгиш учун юзлаб қудуқлар қазилиб, унинг суви билан ғўза суғорилди. Янги ирригация тармоқлари барпо этилди, каналларга бетон ётқизилди, коллекторлар сувидан фойдаланилди. 46 километр масофадаги Қумдарё, Самоқ, Пачкамар каналлари, Қорабоғ насос станцияси ишга туширилди.

Областда сув таъминоти 35-40 процентни ташкил этиши ҳисобга олиниб, ғўза қатор оралари сифатли ишланди, тупроқда намни тўла сақлаб қолиш чоралари кўрилди. Партия ташкилотлари оммани қийинчиликларни енгишга, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга сафарбар этди, умум халқ мусобақаси кучайтирилди. Коммунистларнинг авангардлик роли таъминланди. Область партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун заҳмат бўлган ҳамма чораларни кўрди.

Областда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Пахта терилиши қизғин давомида область меҳнаткашларидан 150 мингдан ортиқ киши далаларда пахта терди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши, мириқиб дам олишлари учун хўжаликларда, дала шийпонларида барча шароитлар яратиб берилди.

Терим давомида машиналар асосий ролни ўйнадилар. Ҳар бир машинанинг юксак унум билан ишлатилиши учун ҳаракат қилинди, кўплаб устаханалар ажратилди. Мавсумда 1 мингдан ортиқ терим агрегатлари далаларда пахтакорнинг оғирини енгил қилиш учун ишлатилди. Мавсумда механизаторлар мусобақасига катта эътибор берилди. Ульянов районидаги «Москва» совхозининг механизатори Раҳмитдин Тожиев ва Косон районидаги «Косон» совхозининг механик-ҳайдовчиси Ражаб Қўзиевлар бу мусобақанинг байроқдорлари бўлишди. Уларнинг ҳар бири шу кунгача ўз терим машиналари бункерларидан 256-260 тоннадан пахта тўкдилар. Шунингдек, Чироқчи районидаги Файзулла Хўжаев номли совхозидан Қаноат Худойбердиев 150 тонна, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Тошмурод Юсупов 152 тонна, Усмон Дўстқобилов 105 тонна «Фарғона» совхозидан Озод Исмоилов 116 тонна, Қарши районидаги «Ленинизм» колхозидан Ўзимурод Дўстмуродов 230 тонна, «Коммунизм» колхозидан Ҳаловат Бозорова 160 тонна, Косон районидаги Ленин номли совхозданЭшмон Рўзибоев 160 тонна, Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозидан Муртоза Абдурахимов 110 тонна, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоздан Гиё Қаюмова 100 тонна пахта териб механизаторларнинг карвонбошилари бўлдилар. Қарши области механизаторлари областда биринчи бўлиб машинада пахта териш планини ошириб бажардилар. Косон области механизаторлари ҳам бу соҳадаги топшириқни ошириб бажардилар. Областимизнинг кўплаб хўжаликларида ҳосилнинг 45-60 проценти машиналар билан териб олинди.

Ғузор районидаги Ленин номли, Гагарин, Карл Маркс номли, Шаҳрисабз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли, «Социализм», Яккабоғ районидаги «Ленинизм», Қамаши районидаги Калинин номли, Ленин номли, Китоб районидаги Навоий номли, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг пахтакорлари ҳозиргинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 35-40 центнердан ошириб пахта ҳосили олдилар. Косон районидаги «Шарқ юлдузи», Энгельс номли Қарши районидаги «Ленинизм», «Коммунизм», «Ленин йўли» колхозларида ҳар гектар ердан 22-23 центнердан ингичка толали қиммат баҳо хом ашё етиштирилиб, план ошириб бажарилди. Бу хўжаликларда давлатга пахта сотиш қизғин давом эттирилмоқда.

Областимиз бўйича шу кунгача 30 га яқин хўжалик йиллик планларини ошириб бажарди. Ленин номли, Файзулла Хўжаев номли, «Косон», «Москва», «Партия XX съезди», «Шаҳрисабз» совхозлари планларини аллақачонлар бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Юздан ортиқ бригада 35-40-45 центнердан ҳосил кўтаришга эришди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Косон районидаги Ленин номли совхознинг бригадири Холиёр Даминов раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари планни уч иш кунида бажарган эдилар. Уларнинг шу кунгача қабул пунктига жўнатган пахтаси гектар бошига 50 центнерни ташкил этади. Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхознинг Аҳмад Бердиев раҳбарлик қилаётган бригадаси ҳар гектар ердан 50 центнердан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назар Мейлиқулов бошчилик қилаётган бригада 40 центнердан ҳосил тўплади. Қарши районидаги «Ленинизм» колхозининг СССР Олий Советининг депутати Тўлғаной Норбўтаева, «Коммунизм» колхозининг КПСС XXIV съезди делегати Тунуқ Жўраева, Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Рўзи Боболов, «Москва» совхозининг Севин Исмоилов, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг Карим Худойбердиев, Китоб районидаги Навоий номли колхозидан Муаззам Жалолова, Шаҳрисабз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли колхоздан Гиё Қаюмова, Энгельс номли колхоздан Мусурмон Шукуров, Чироқчи районидаги Файзулла Хўжаев номли совхоздан Қаноат Худойбердиев ўртоқлар бошқараётган бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 35-40 центнерни ташкил этди.

Областимиз колхоз ва совхозлари сут, пилла, тухум, жун, сабзавот маҳсулотлари, узум тайёрлаш йиллик планларини ҳам муддатидан олдин бажардилар, Октябрь байрами кунигача давлатга гўшт ва бошқа маҳсулотлар сотиш топшириқлари муваффақиятли адо этилади. Кузги дон экиш қизитиб юборилди.

Область партия ташкилоти келгуси йилда сув танқислиги юз бермаслигининг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Ҳозир Эски Анҳор канали қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Бу каналда 16 миллион кубметр тупроқ ишлари, 80 минг кубметр бетон ишлари бажарилади. Ланғар ва Қорабоғда сел сувини тўплаш омборлари қурилади. Шаҳрисабз ва Китоб районларида иккита сел суви жамғариш ҳавзаси ишга туширилади. 200 километрдан ортиқ эски каналларга бетон ётқизилади. 400 та артезиан қудуғи қазилади.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай териб оладилар, агротехниканинг кузгиқишки тадбирларини амалга оширадилар келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратадилар. Чорва қишловини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказадилар.

15 МИНГ ТОННА УЧУН

Бу йил эрта баҳордаёқ сув танқислигига қарши қатор чораларни кўриб қўйган эдик. Баҳорда ҳар секундда 7 куб метр сув оқизадиган 9 километр узунликда янги канал қуриб, фойдаланишга топширдик. Ҳаммаси бўлиб 21 километр узунликда канал ва ариқлар бетон билан қопланди. Бу эса ўз навбатида ғўзанинг вегетация даврида қўл келди. Кўплаб об-ҳаёт тежаб қолиниб, экинзорларга оқизилди.

Бу йил биринчи марта 1800 гектар ерга ингичка толали пахтанинг чигити экилган эди. Ўтган йили бироз майдонларга чигитнинг ингичка толали пахта берадиган 5904-И навидан экиб тажриба қилиб кўрган эдик. Бу яхши натижа берди. Бу йил чигитнинг бу навидан минг гектарга яқин майдонга экдик. Шунингдек, ингичка толали пахтанинг энг яхши тола берадиган 6030-С навли чигитдан ҳам 800 гектар ерга экдик. Ҳар иккала нав бўйича ҳам барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Лекин 6030-С навли чигитнинг пахтаси кўп сув талаб қилиши, кўраклари очилганда пахтаси тўкилиб кетишини демаса, яхши иқлимлашаётир. Олимларимиздан бу навли пахтанинг тез пишар сортини етиштириб беришларини сўраймиз. Чунки, куз салқин келган йилларда 6030-С навли ингичка толали пахта пишмай қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. 5904-И навли ингичка толали пахта ўзининг тез пишарлиги билан чўл шароитини «ёқтириб» қолди. Бу навли пахтани қўлда ҳам, машинада ҳам териш анча қулай, сифати бузилмайди.

Пахта терилиши уюшқоқлик билан олиб бормоқдамиз. Ҳозиргача қабул пунктига 9 минг тоннадан ортиқ пахта жўнатдик. План ошириб адо этилди. 3 минг 800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23,5 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олинди. Шу кунларда пахта далаларида 5 мингга яқин қишлоқ меҳнаткашлари пахта теримида иштирок этаяптилар. Рўзи Боболов, Эш Қораев, Ҳайдар Пиримов, Эргаш Ҳомидов, Ҳусин Шарипов, Ҳонимой Султонова, Тожи Саиднёзов, Олти Бекмуродов каби ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 35-40 центнердан пахта ҳосили кўтарилди.

Ҳозиргача машиналар билан 2600 тонна пахта териб олинди. Нажим Шамсиев, Ҳайрулла Набиев, Амир Умаров, Саъдулла Абдуллаев, Қурбоной Мирзаева, Жўра Аслонов каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 120-150 тоннадан пахта териб тўкдилар.

Рўзиной Чориева, Зулфия Кенжаева, Ҳаловат Яхшиева, Санобар Азимова, Очилой Саидова каби кўпминг килограммчиларнинг ҳар бири хирмонга 9-12 тоннадан пахта териб тўкдилар.

Йил бошида 15 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олган эдик. Ҳали далаларимизда пахта мўл. Имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга 6 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини оламиз ва Ватанимизнинг «оқ олтин» хирмонига 15 минг тонна қиммат баҳо дурдона етказиб берамиз.

Очил ТОШЕВ,

Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозининг директори.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Пахта терими хўжалигимизда уюшқоқлик билан бошланди. Колхоз правленияси ва партия комитети пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда тамомлаш учун конкрет тадбирлар тузиб чиқди. Терим давомида барча иш ана шу тадбирлар асосида олиб борилди. Теримчилар, механизаторлар терим давомида рағбатлантириб борилди. Социалистик мусобақани пухта уюштириш учун бир қанча чоралар кўрилди. Область хўжаликлари ичида биринчилар қатори йиллик планни ошириб бажарган эдик. Ҳозиргача пландаги 3020 тонна ўрнига 3600 тоннадан ортиқ пахта сотилди. Ҳар гектар ердан 24 центнердан ошириб пахта ҳосили кўтарилди.

Аҳмад Бердиев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан 50 центнердан дурдона кўтардилар. Шунингдек, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назар Мейлиқулов Ойна Ҳамроева, Рўзмон Турдиев, Зиёд Эшнаев, Амир Рустамов Суяр Нормуродов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари гектар бошига ҳосилдорликни 30-40 центнерга етказдилар.

Колхоз активлари, коммунистлар пахтакорлар ўртасида жуда катта оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Уларнинг меҳнати, одамларни сафарбар этувчи ташкилотчилик қобилиятлари туфайли барча участкаларда ишни яхши ташкил этиш имконияти яратилмоқда. Дала шийпонлари қишлоқ меҳнаткашларининг қўнгилли дам оладиган жойларига, маданий марказга айланиб қолди.

Натижада кўпминг килограммчилар ва механизаторлар далаларда унумли меҳнат қилдилар. Уларнинг меҳнати эвазига қисқа муддатларда план бажарилди. Механик-ҳайдовчилардан Искан Нафасов, Ойна Ҳамроева, Ҳасан Ҳусанов, Абдухолиқ Раҳматов, Соат Хуррамовларнинг ҳар бири 100-120 тоннадан пахта териб тўпиб, колхознинг пахта хирмонига барака киритдилар.

Кўпминг килограммчилардан Муҳаббат Исматова, Баҳор Жўраева, Муҳаббат Носирова, Хумор Сорахонова, Момохол Тошева, Курбоной Очилова, Ражабой Ниёзоваларнинг ҳар бири 8-10 тоннадан пахта териб хирмонга тўкдилар.

Ҳали далаларда ҳосил кўп. Деҳқонларимиз қиш ҳосилни 6 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан хўжалигимиз меҳнаткашлари пахта теримини қун сайин қизитмоқдалар. Пахтакорларимиз бир мисқол ҳам пахтанинг далада қолишига йўл қўймай, йиғиб-териб олиш ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун меҳнат қиляптилар.

Очил КУЧКИНОВ,

Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Улаш ЗАРИПОВ,

колхоз партия комитетининг секретари.

ПАХТАЗОР ЛАВҲАЛАРИ

ТАШАББУСКОР

Рўзи Боболов бундан икки йил олдин Қарши чўлида ҳам ҳар гектар ердан қирқ центнердан ошириб пахта ҳосили олиш мумкин деб, ташаббус бошлаб берган эди. Лекин кўпчилик, ҳатто тажрибали деҳқонлар ҳам бунга бироз шубҳа билан қараган, бригада аъзолари «натта кетмадиқмикан» деган, мулоҳазага борган эдилар. Чунки чўлнинг шароити барчага маълум. Биринчидан сув камчил, иккинчидан ғўза энди ҳосилга кирган пайтда гармсел гул ва шоналарни тўкиб кетади. Шунинг учун ҳам бу ерларда август ойининг ўрталари ва сентябрда олинган қўсаклар ҳисобига план бажарилади.

Ўтган йили Рўзи Боболовнинг дўстлари бригадирнинг юзини ерга қаратмаслик аҳдида астойдил меҳнат қилдилар.

Бу йил Рўзи бошлиқ бригада 76 гектар ерда деҳқончилик қилди. Уларнинг бригадасидан яна бир бригада ажралиб чиқиб кетди. Рўзи буни ўзича, қаттиқ ишга чидай олишмади деб билди. Совхоз директори пахта майдонларнинг бир қисмини янги ерларга кўчириш лозимлигини айтганда, бу йил барчага берган ваъдаси ёдига тушиб, ич-ичидан сиқ кетиб қўярди. Бундан ташқари бу йил 30 гектар ерга ингичка толали пахтанинг энг юқори ва қиммат баҳо сорти «6030-С» навидан экишга қарор қилиб қўйган эдилар.

Ёз бўйи бригадир ҳам, бригада пахтакорлари ҳам тинганги йўқ. Ғўза қатор оралари ўз вақтида сифатли ишлов берилиб, ўт-ўлан ҳам йиғиб ташланди. Ўғит ва сувга катта эътибор берилди. Ҳар гектар ерга 7 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб солинди. Бригада учун ажратилган об-ҳаётнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланилди.

Бригада аъзолари шу кунгача ингичка толали пахтанинг ҳар гектаридан 36 центнердан, «108-Ф» навли чигитнинг пахтасидан эса ҳар гектар ердан 44 центнердан дурдона териб олдилар. Бригада пахтакорлари пахта йиғим-теримини қизғин давом эттирмоқдалар. Чўлда янгидан ташкил топган Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозининг ташаббускор бригадири Рўзи Боболов бригада пахтакорларини 50 центнерлик марра учун курашга бошлаб бормоқда. Ҳали бригада даладарида ҳосил мўл.

ҚЎШИҚ ҚАҲРАМОНИ

Гиёхон ўрта мактабни битирганидан сўнг колхозда қолиб ишлай бошлади. Сўнгра Чоршанба ҳунартехника билим юрти қошида очилган механизаторлар курсини муваффақиятли тамомлади.

Бундан икки йил мукаддам колхоз правленияси бу серҳаракат қизни янги ерда ташкил топадиган бригадага раҳбарликка таклиф этиш мулоҳазаси борлигини айтганда, барча бу фикрни қўллаб-қувватлаган. Гиёхонинг бу ишни уддалаб кетишига ишонч билдирган эдилар .

Улар адашмаган экан. Чунки, ёш бригадир ўзининг саккиз дугонаси билан янги ерда деҳқончилик қилишга киришди. Кейинчалик қизлар қийналиб қолишмасин деб, уларнинг бригадасига тажрибали механизатор Юсуф Тўраев юборилди. Шундай қилиб, қўриқ ерда ташкил топган бригадага 19 ёшли Гиёхон Қаюмова раҳбарлик қила бошлади.

Бу йил пахта йиғим-терими олдидан Гиёхон бригада аъзолари билан бамаслаҳат барча ҳосилни машиналар билан териб олиш, йиллик планни 10 кун ичида бажаришни режалаб олдилар. Колхоз правленияси ўз фикрларини билдиришди. Уларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Район комсомол комитетининг секретари Гулчеҳра Зайнутдинова қизлар бригадасининг бу аҳдидан хабардор бўлиб районга ёйиб юборди. Натижада область партия комитети бригада аъзоларининг ташаббусини қизғин маъқуллади ва уларнинг тажрибасини областга кенг ёйишни таклиф этди.

Улар ўз сўзлари устидан чиқдилар. План 10 иш кунида бажарилди. Ҳозиргача бригада пахтакорлари 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта ҳосили кўтардилар. Улар 40 центнерлик маррани кўзлаб теримни қизитмоқдалар.

П. ГАДОЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Областимиз пахтакорлари бу йилгиден мураккаб йилда ҳам маррани эгалладилар. Бу маррада колхозимиз, бригадамиз пахтакорларининг ҳам улуши борлигидан мамнунмиз. Колхозимиз республика колхозлари ичида биринчи бўлиб йиллик пахта сотиш планини бажарган эди. Хўжалигимиз деҳқонлари 23 га яқин артезиан қудуқларининг, коллектор ва зовурларнинг суви эвазига мўл пахта ҳосили етиштиришга эришдилар. Чунки, райониимизда сув камчил бўлиб, хўжалигимиз Яккабоғ дарёсидан деярли сув олмади, десак муболаға бўлмайди. Артезиан қудуқлардан ташқари хўжалигимиз территориясида 4 миллион куб метрга яқин об-ҳаётни сиғдирадиган кўл ҳам бор. Бу кўлнинг сувидан чўшни «Қизил Юлдуз» колхози билан ҳамкорликда фойдаланамиз.

Шундай қилиб, июль ва август ойларида дарёдан сув олмасдан далаларимизда мўл ҳосил тўпладик.

Колхозимиз бўйича 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ошириб пахта ҳосили йиғиб-териб олинди.

Бригадамизда ҳам ҳосил чакки бўлмади. 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 26,5 центнер ўрнига биринчи теримнинг ўзидаёқ 27 центнердан пахта йиғиб-териб олган эдик. Ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан саранжомлаб олдик. Муртоза Абдурахимов, Ҳолбўта Мусурмонов, Файзи Қобилов, Хўжанқул Хўжамуродовлар бригадамиз пахтакорлари етиштирган ҳосилнинг 200 тоннадан ортиғини машиналар билан териб бердилар.

Ҳозиргача 432 тоннадан зиёд пахта териб қабул пунктига жўнатдик. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб пахта ҳосили йиғиштириб олиндик. Ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш мажбуриятини олганмиз. Бу бизнинг республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига қўшган ҳиссамиз бўлади. Пахтакорларимизнинг аҳди қатъий. Биз бу ваъдамизнинг устидан albatta чиқамиз.

Эшпўлат БЕРДИЕВ,

Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи.

Шоли — ҒАЛАБАГА

Республикамиз областларида шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 28 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—план (тонна ҳисобида) учинчи стун — топширилган шоли (тонна ҳисобида), тўртинчи стун — топширишга нисбатан процент ҳисобида.

САМАРҚАНД	2.300	3.124	135,8
АНДИЖОН	5.000	6.366	127,3
ХОРАЗМ	19.500	23.098	118,4
ТОШКЕНТ	20.300	23.042	113,5
СИРДАРЁ	13.970	15.798	113,1
ФАРҒОНА	3.000	3.287	110,7
НАМАНГАН	4.000	4.205	105,1
Сурхондарё	6.000	6.261	92,1
ҚҚ АССР	54 000	43.721	81,0
Республика бўйича:	128.870	128.902	100,0



Қашқадарёда «Зангори кема»нинг моҳир капитанлари кўп. Шулардан бири Қарши районидаги «Ленинизм» колхозининг илғор механизатори Мамахол Эшевадир. У ўз агрегати бункеридан 140 тонна «оқ олтин» тўпди. Суратда: Мамахол Эшева пахтазорда.

Н. Содиқов фотолари.

БУГУН—КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

ЖАНГОВАР ВОРИСЛАРМИЗ

ВЛКСМнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон комсомол ташкилоти КПСС XXIV съезди ва ВЛКСМ XVI съезди қарорларидан илҳомланиб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили план ва топшириқларини бажариш учун яратувчилик меҳнатларини кучайтириб Ленин комсомоли туғилган куннинг 53 йиллигини нишонламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съездига қилган докладида совет жамияти ҳаётида комсомолнинг ролини алоҳида таъкидлади. Комсомол комитетлари ҳисобот докладида илгари сурилган вазифаларни бажара бориб, ўзларининг ташкилотчилик ишларини кучайтирмоқдалар, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини оширмоқдалар. Шу нарса қувончлики, сўнгги йилларда комсомолнинг партия қатлами мустаҳкамланди. Республика комсомол ташкилотларида икки мингдан кўпроқ ёш коммунист иш олиб бормоқда. Улар, ўртоқ Л. И. Брежнев съездда таъкидлаганидек, комсомолда ишлашни ўзлари учун муҳим партия топшириғи деб билмоқдалар, ўз маҳоратлари, ташкилотчилик қобилиятларини комсомолнинг барча звенолари фаолиятини янада яхшилашга сарфламоқдалар.

Ҳозирги кунда «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз» шиори остида ўтказилаётган Бутуниттифоқ Ленинча синови ва «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши — беш йилликка!» шиори билан ўтказилаётган ёш ижодкорларнинг техника-ижодий кўриги республика комсомол ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўлиб қолмоқда.

2 миллионга яқин йигит ва қиз Ленинча синовларда қатнашиб, ўзларининг «Коммунизмни ўрганмоқ керак» комплекс шахсий планларини ишлаб чиқдилар. Бу планларда навқирон ёшларимизнинг ленинча ишлаш, ўқиш ва яшаш ниятлари ўз ифодасини топган.

Республикамиз комсомол ёшларидан 300 мингга яқини—Ленин комсомоли ташкил топган кунни йиллик планларини бажариш билан кутиб олдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 64 мингдан ортиқ ёш ишчи 1972—1973 йиллар ҳисобига ишламоқдалар.

Республика комсомол ташкилотлари техника тараққиётида муҳим фактор бўлган меҳнатни илмий асосда ташкил этишга ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Ҳозирги пайтда республикадаги 1774 илмий техника жамиятининг бошланғич ташкилотларида 24 мингга яқин комсомол-ёш самарали иш олиб бормоқда.

Комсомол ва ёшлар фан ва техниканинг янги-янги ютуқларини, техника ижодкорликни, новаторликни кучайтириб, «комсомолнинг тежамкорлик фонди»ни ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бугунги кунгача «Комсомол жамғармаси»га 22,5 миллион сўмдан зиёд маблағ тўпланди.

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Ўз касбининг устаси» кўрик-конкурслари ёш ишчиларнинг маҳорати камол топишида катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро область комсомол ташкилотларида бундай конкурс-мусобақаларни ўтказиш одат тусига кириб қолган.

Муҳим халқ хўжалик объектларини барпо этишда ва даставвал Андижон сув омбори, Туямўйин ва Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати, Сирдарё ГРЭСи, Чорвоқ ГЭСи қурилишларида, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда қатнашиш, савдо, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарга йигит ва қизларни ишга юбориш республикамиз комсомол ташкилотларининг қутлуғ иши бўлиб қолди. Ҳар йили юзлаб кўнгиллилар қурувчилар сафига кўшилмоқда.

Республика комсомол ташкилотлари пахтачиликни янада ривожлантириш, комплекс механизацияни жорий этиш соҳасида бой тажрибага эгадир. Ёш пахтакорлар Ленин комсомоли туғилган кунни катта зафарлар билан кутиб олдилар. Республикамиз она-Ватанга 4.150.000 тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этди, шундан 1.700.000 тоннадан кўпроғи машиналарда теріб олинди.

Ҳозир комсомол ва ёшлар оширилган мажбуриятни бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар. «Оқ олтин» учун курашнинг энг масъулиятли шу кунларида 1.300.000 дан зиёд йигит ва қиз далаларда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Сурхондарё областидаги Ленин номли совхоз комплекс механизациялашган комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдусаттор Қурбонов уч иш кунида йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, «100 процент бўлди—250 процент бўлди» деган юксак ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Шеробод районидаги Р. Қосимов номли совхоздан Жиянқул Рустамов раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси янги ўзлаштирилган ерлардан 35 центнердан ҳосил кўтарди. Жиянқул Рустамовнинг бункердан тўккан пахтаси 720 тоннадан ошиб кетди.

СССР Олий Советининг депутати Ҳалима Азимова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муаззам Жамолова, ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси Анорхон Эргашевалар раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажариб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Республика комсомол ташкилотлари пахтани машинада теришни ўз оталиғига олган. Ҳар уч механизаторнинг бири комсомол аъзосидир. Кенг пахтазорларда шонли «зангори кема» капитанлари мўъжизалар кўрсатмоқдалар. Машҳур механизатор Абдусаттор Қурбонов терган «оқ олтин» 700 тоннадан ошиб кетди. Механик-ҳайдовчилардан Очил Бердиев, Тўланбой Дадажонов, А. Валиев, Сурхондарё областидаги район комсомол комитетлари секретарлари Чиннихол Худоёрова, Озода Абдураимова ва бошқа жуда кўп ёш механик-ҳайдовчилар ғайрат ва матонат билан ишлаб, 400-600 тоннадан пахта тердилар.

Ёш чорвадорларимиз ВЛКСМ Марказий Комитетининг чақириғига жавобан «Чорвачилик—комсомолнинг зарбдор иши» Бутуниттифоқ кўригида қатнашиб, тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йилида қувончли ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Чорвачиликнинг асоси ҳисобланган мўл-кўл озуқа базаси яратиш даврида комсомол-ёшлардан зарб д о р группалар тузилди. Бу йил дағал хашак тўплаш икки ойлиги эълон қилинди. Зарбдор ойликда 3000 комсомол-ёшлар отрядига бирлашган 145000 дан зиёд йигит ва қиз фаол иштирок этиб, 1 миллион 683 минг тонна хашак жамғаришга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, ёшларнинг иқтисодий ўқишига катта эътибор берилмоқда. Бу йил фақат комсомол сиёсий маорифи шохобчаларида 500 минг ёш ўз билимини оширади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида тинмай иш кўраётган республика комсомол ташкилотларининг фаолияти сермазмун ва ғоявий жиҳатдан бойиб бормоқда.

Республикамиз комсомол ва ёшлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини бажариш йўлида янги марраларни забт этишга тайёрдирлар.

Э. ҒОФУРЖОНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Ахборот. 18.50 — Пропагандист. 19.25 — Концерт. **Ўзбек тилида:** 20.05 — Ахборот. 20.20 — **Қизил альпинистлар** (телефильмнинг 4-серияси). 20.45 — Ўртоқ комсомол. 21.25 — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка **Ҳадя Юсупова** куйлайди. 22.35 — Телевизион театр. С. Анорбоев — «Ўмр».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 17.35 — Китоб жовони. 18.05 — Жаҳон халқлари ижоди. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Музикали кўрсатув. 20.00 — Сўнгги империя йўлларида. 20.30 — **Коцюбинскийлар оиласи** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.30 — Арт дото. 23.40 — **Федра** (фильм-балет).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.40 — Тўлқинда-02. 21.10 — Марказий универмагдаги байрам олди рекламаси. 21.35 — **Комсомольск** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/X да **Масҳарабозлар**, 30/X да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/X да **Имон**, 30/X да **Қонли сароб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/X да **Кумуш тўй**, 30/X да **Севишганлар хиёбони**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/X да **Дийдор**, 30/X да **Биринчи бўса** (спектакллар кундуз соат 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти И. РУБАН** раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

КИНО

Изма-из (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 12, 4, 5 ва кеч 8 яримда).

Ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз соат 2, 3, кеч 7 ва 9 яримда).

Одиссейнинг саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Чермен — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Ёшлар — «МОСКВА» (кундуз соат 11.40, 5 ва кеч 9 да).

Россия империясининг салтанати ёки яна қўлга тушмас қасоскорлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Геракл жасорати — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Тилсиз дўстлар — «МОСКВА» (кундуз соат 1.30, 3.20 минутларда).

АНДИЖОН ОБЛАСТИНИНГ ЛЕНИНСК ШАҲРИДА
30, 31 октябрда
ЎЗБЕКИСТОН ССР 1971 ЙИЛГИ ПУЛ-ВУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ БЕШИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тираж ўйини эрталаб соат 10 да бошланади.

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
Институтга кирувчилар учун

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ ОЧАДИ

КУРСЛАРДА математика, физика, химия ва адабиёт ўқитилади.

Кирувчилар: ариза, таржимаи ҳоли, аттестат нусхасини топширадилар.

Машғулотлар — 10 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Андижон область, Куйганёр қишлоғи, Избоскан райони.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
30, 31 октябрь кундуз соат 4 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«ЗАРЯ» (Ворошиловград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

30/X да дублёрлар, 31/X да асосий составлар ўйнайдилар.

Тўртинчи мамлакатларда

ҲАРАКАТ БИРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

ЛИМА, 27 октябрь. (ТАСС). Перу ташқи ишлар министри Меркадо Харрин Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг савдо ва ривожланиш проблемаларига бағишланиб бу ерда очилган иккинчи конференциясида сўзга чиқиб, АҚШнинг «долларни сақлаб қолишга» қаратилган иқтисодий чораларини қоралади ва конференция қатнашчиларини ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳаракатларини бирлаштиришга даъват этди.

Қўшма Штатлар четдан келтирилаётган молларга қўшимча 10 процент солиқ солишни жорий қилганлиги, деди министр ривожланаётган мамлакатлар экономикасига ёмон таъсир қилади.

Конференция қатнашчилари халқаро савдони ва кредитлаш ишларини кенг ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланиш масалаларига бағишланган конференциясининг келгуси йил апрель ойида Чили пойтахтида ўтказиладиган навбатдаги сессияси кун тартибини белгилиб оладилар.

ИСТИҚБОЛСИЗ ЭКОНОМИКА

ЛОНДОН, 27 октябрь. (ТАСС). Иқтисодий тушкунлик натижасида Англия саноатининг саноатлашуви ва мамлакат ичида бўлаётган талаб шу йил июль ойида кўп йилларгадан бери мисли кўрилмаган даражада камайиб кетди, дейилади «Файнэншл таймс» газетасида босилган хабарда.

Бу маҳсулотга бўлган талаб пул билан ҳисобланганда ўтган йилнинг июль ойидаги 11 миллиоч ҳамда июнь ойидаги 6,2 миллион ўрнига бу йил июль ойида 3,7 миллион фунт стерлингга тушиб қолди.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙМИНИНГ СЕССИЯСИ

ВАРШАВА, 27 октябрь. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси Сейминнинг V сессиясида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги резервлардан яхшироқ фойдаланишга қаратилган янги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларни халқ Польшасининг ўзига хос аграр кодекси деса бўлади. Депутатлар яроқли ерлар ва ўрмонларни сақлаш ва ерларнинг ҳолатини яхшилаш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида, янги ер солиғи ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперациялари аъзолари ва оилаларининг социал таъминоти тўғрисида қонунлар қабул қилдилар.

Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг ранси П. Ярошевич ҳукуматнинг 1971 йилги халқ хўжалик планига ва бюджетига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги қарорини бажариш тўғрисида Сейм депутатларига ахборот берди.

Сейм қабул қилган қарорда, халқ хўжалик планига ва бюджетга киритилган ўзгартишлар меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилашга ва мамлакат халқ хўжалигини мустаҳкамлашга имкон берганлиги кўрсатиб ўтилди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

БОГОТА, 27 октябрь. (ТАСС). Колумбиядаги бир қанча касаба союз ташкилотларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган баёнотда «Колумбия чет эл капиталига, асосан Америка капиталига қарам бўлиб қолганлиги мамлакатдаги иқтисодий ва социал кризиснинг асосий сабабларидан биридир», дейилади.

Маъмурият коллектив меҳнат шартномаларини муттасил бузаётганлиги, ишчилар кўплаб ишдан ҳайдалаётганлиги, касаба союзларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилганлиги, дейилади баёнотда кейинги вақтда оммавий тус олиб кетди. Ҳукумат маъмурлари ҳар қандай забастовкани қонундан ташқари, деб эълон қилмоқдалар. Иқтисодий кризиснинг оғир оқибатлари энг камбағалларнинг оилавий бюджетига биринчи галда таъсир қилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари меҳнаткашларнинг манфаатларини, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилмоқ учун мамлакатдаги барча касаба союз иштироки билан Боготада умуммиллий касаба союз кенгаши ўтказиш кераклигини айтдилар.

АДОЛАТЛИ ҲУКМ

ВАШИНГТОН, 27 октябрь. (ТАСС). «Тинчлик ва адолатни ҳимоя қилувчи халқ ковалиции»нинг ташкилотининг вакили С. Пек бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, ҳукуматнинг Шарқий-Жанубий Осиёдаги урушни ҳақиқатан тугатиш ниятидамиз, деган гапига Америка халқи энди асло ишонмайди, деди. Бу матбуот конференцияси АҚШ ҳукуматининг Ҳинди-Хитойдаги сиёсатини текшираётган «катта жюри»нинг ишига бағишлаб ўтказилди. Жюрининг аъзолари — Америка жамоатчилигининг кўзга кўринган вакиллари юристлар, руҳонийлар, студентлар негр аҳолисининг вакиллари американинг агрессия сиёсати Вьетнам халқи бошига оғир кулфатлар солганлигини айтиб, бу сиёсатни қаттиқ қоралядилар.

«Катта жюри» аъзолари Вашингтонда уч кун мажлис қилиб, якдиллик билан шундай фикрга келдиларки, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг программаси Шарқи-Жанубий Осиёдаги қон тўкишни тўхтатиш учун реал негиз бўла олади, деди Р. Дэвис мазкур матбуот конференциясида.

Матбуот конференциясида ҳужжатли фильм ҳам кўрсатилди. Бу фильм Америка ҳарбийлари Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳаво урушини тўхтатиш ўрнига тобора кучайтираётганлигини яққол намойиш қилди.

ЯХДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

АДАН, 27 октябрь. (ТАСС). Ташқи ишлар министрлиги вакилининг хабар беришича, Яман Халқ Демократик Республикаси армиясининг бош қўмондони ва миллий фронт бош раҳбарлигининг аъзоси Али Абдулла Майсери уни қамоққа олиш учун етиб келган хавфсизликни таъминлаш кучлари билан бўлган отишма вақтида 25 октябрда ўлдирилган.

Министрлик вакилининг айтишича, Майсери контрреволюцион мақсадларни амалга ошириш учун чет элларгадаги ҳукуматга қарши баъзи бир унсурлар билан маҳкам алоқада бўлиб, мамлакат ичкарисида иш кўрган фитначилар гуруҳининг раҳбари бўлган.

СПЛИТДА БАЙРАМ

БЕЛГРАД, 27 октябрь. (ТАСС). Югославиянинг саноат шаҳри бўлган Сплит порти фашистлар оккупациясидан озод қилинган куннинг 27 йиллигини байрам қилмоқда. Шаҳар меҳнаткашлари шонли байрамни меҳнат ғалабалари билан кутиб олдилар. 10-август номидаги цемент заводида янги катта печь ва «Юговинил» пластмасса заводида сунъий чарм ишлаб чиқарадиган цех тантанали равишда ишга туширилди.

Байрам арафасида Янги Адриатика металлургия заводида юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш бошланди.

ФОТООБЪЕКТИВДА ВДР БИЛАН ГДР

ВДР. Бу йил республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 процентга кўпайди. Шакар, чой, ўсимлик мойи, консервалар тайёрлаш анча ошди. Суратда: Ханой консерва фабрикасининг цехларидан бирида янги маҳсулотни жўнатишга тайёрлаш.

ВИА-ТАСС фотоси.

ГДР. Карл Маркс-Штадт шаҳрида очиладиган кўргазма Совет Иттифоқининг космосни ўзлаштириш соҳасидаги ютуқларини ҳикоя қилувчи энг йирик кўргазмалардан бири бўлади. У «Космос — тинчлик, фан ва инсоният бахт-саодати учун» деган шиор остида ўтказилди. Суратда: Кўргазма экспонатлари монтаж қилиняпти.

АДН-ТАСС фотоси.

ЛОНГ КЕШДА ҚЎЗҒОЛОН

ЛОНДОН, 27 октябрь. ТАСС мухбири В. Никитин хабар беради:

Белфаст яқинидаги Лонг Кеш қамоқ лагерида маҳбуслар қўзғолон кўтарди. Қўзғолонни бостириш учун инглиз қўшинларининг катта бўлинмалари юборилди. «Хавфсизлик кучлари» «Си-Эс» газини кўплаб ишлатиб, қуролсиз тутқунлар қўзғолонини бостиришга бир неча соат уриндилар. Ольстер ички ишлар министрлиги вакили, солдатлар «қатъият билан ҳаракат қилиб тартиб ўрнатдилар», деди. Маҳбуслар орасида яраланганлар бор. Лагерь территориясидаги бараклардан бири ёндирилиб юборилди. Ҳукумат маъмурлари «фавқулодда ваколатлар» тўғрисидаги қонунга асосланиб қамаб қўйган кишилардан 260 нафардан кўпроғи Лонг Кеш лагерида судсиз ва терговсиз сақланмоқда.

Лагердаги маҳбуслар йиртқичларча сўроқ қилинаётганлиги, калтакланаётганлиги ва қийноққа солинаётганлиги тўғрисидаги хабарлар матбуотда босиб чиқарилгандан кейин ўтган ҳафта Британия оролларида сиёсий машмаша бошланиб кетди. Бироқ маъмурларнинг репрессиялари Ольстердаги «бўйсунмаётган» католик аҳолининг қаршилигини синдиролмаётир. Кеча Белфастда бир қанча сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг, шу жумладан гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмасининг 170 нафар вакиллари иштироки билан ўтказилган конференцияда гражданлик итоатсизлиги кампаниясини кенгайтиришга қарор қилинди.

КОМСОМОЛ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўзбекистон комсомолининг 1971 йилги лауреатлари аниқланди. Республика комсомоли Марказий Комитети бюросининг қарорига биноан, адабиёт, тасвирий санъат, музика ва концерт-ижрочилик фаолияти соҳасидаги ижодкорлиги учун ёшлардан тўрт нишига, Ленин комсомоли республика мукофоти лауреати унвони берилди.

Адабиёт соҳасида шоира Гулчеҳра Нуриллаева «Орзуларим қоқади қанот» шеърлар китоби, болалар адабиёти соҳасида ёзувчи Ҳудойберди Тўхтабоев болалар ва ёшларга бағишланган «Сариқ девни мониб» трилогия китоби учун комсомол мукофоти лауреати бўлди. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг рассоми Туйғун Шорахимовга «Ёш гвардия», «Тошкент — нон шаҳри», «Момоқалдироқ сўқмоғидан», «Алишер Навоий», «Алёша Пешков», «Абдулла Набиев», «Нуридийдам Володия», «Рус кишилари» ва бошқа спектакларнинг безаги учун комсомол мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди. Қори Ёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонилсининг созандаси чанг чалиш маҳоратини Ўзбекистонда хотин-қизлардан биринчи бўлиб эгаллаган Фазилат Шукуровага ҳам юксак ижрочилик маҳорати ва музика санъатини пропаганда қилишдаги фаолияти учун Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвони берилди.

Ўзбекистон комсомоли лауреатларига лауреатлик дипломи, значок ва пул мукофотлари берилади. Лауреатларнинг номи Ўзбекистон Ленин комсомоли «Ҳурмат китоби»га ёзилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

Нерунинг гули

Маълумки Жавоҳарлал Нерунинг ёқасига гул тақиб юриш одати бор эди. Бу одатнинг тарихи шундай: бир куни бош министр ўз қароргоҳи олдида айланиб юрганида қандайдир бир аёл панжара орқасидан унга гул узатади. Аммо посбонлар аёлни ҳайдаб юборишади. Лекин аёл ҳар куни келар, ҳар сафар янги гул келтириб, Нерунинг чиқишини пойлаб турарди. Ниҳоят бир куни Неру унинг ёнига бориб, узатган гулини олди ва катта миннатдорчилик билдирди. Бу ни сезиб қолган қароргоҳ бошлиғи шу кундан бошлаб бош министр учун ҳар куни гул тайёрлаб қўядиган бўлди. Шундан кейин ёқасига гул тақиб юриш Ж. Неруга одат бўлиб қолди. У ҳатто чет элга борганида ҳам гул тақиб юришни канда қилмас эди.

Ракшабандхан

Ҳиндларнинг энг қадимий байрамларидан бири ракшабандхан дейилади. Кишилар ўртасида соф, қардошлик меҳр-мухаббатига бағишланган бу байрам ҳар йили август ойида нишонланади. Байрам куни қизлар танлаган йигитларига турли-туман ширинликлар совға қилишади. Уларнинг қўлига ҳалқа тақиб, пешанасига рамзий белги қўйишади. Шундан кейин йигит билан қиз тутинган ака-сингил ҳисобланади. Ракшабандханнинг шиори — «муҳаббат ва ҳимоя»дир.

Жазоирлик қария

Москарлин Мустафо улд Муҳаммад яқинда туғилган кунининг 153 йиллигини нишонлади. 1818 йилда туғилган Мустафо французлар томонидан Москарнинг олинишини кўрган. У етти марта уйланган, икки марта тул қолган, тўрт марта хотинлари билан ажралишган. Ҳозирги хотини 84 ёшда. Мустафо улд Муҳаммаднинг 9 ўғли ва 31 набираси бор. Мустафо фақат сут билан бугдойдан тайёрланган палов истеъмол қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 251. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 14603.